2006 ЙИЛ, 1 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 236 (10.793) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди. Унда комиссия ўз ваколати доирасидаги бир нечта масалаларни кўриб чиқди.

● Кеча Тошкентда «Ўзбекистон аҳолиси: ўн беш йиллик мустақил ривожланиш» мавзусида икки кунлик илмий-амалий анжуман ўз ишини бошлади. Мазкур тадбир Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан UNFRA ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мамлакатимиздаги ва жаҳондаги демографик муаммолар атрофлича муҳокама қилинмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган умуммамлакат оммавий югуриш марафони иштирокчилари водий вилоятлари ва Тошкентни ортда қолдириб кеча Гулистонга етиб келишди. Шунингдек, Термизда марафоннинг иккинчи йўналиши қатнашчилари ҳам йўлга чиқди.

● «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида қарийб 45 миллион сўмлик миқдордаги инсонпарварлик юклари ортилган «Саломатлик» поезди «ЭКОСАН»нинг «Экология ва саломатлик» кунлари доирасида Қорақалпоғистон Республикасига жўнаб кетди. Ушбу поезд вакиллари бир неча кун давомида Қорақалпоғистоннинг турли туманларида бўлиб, экологик вазиятни ўрганадилар ва инсонпарварлик ёрдамларини топширадилар.

● Бугун Тошкентдаги Темирйўлчилар маданият саройида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Халқаро ногиронлар кунига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Мазкур тадбирда пойтахтда ва Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи 700 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларга меҳр-мурувват кўрсатилди.

● Бухоро вилоятининг Афшона қишлоғида буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино таваллуд топган кун арафасида фойдаланишга топширилган янги тиббиёт коллежи биноси билан уйғунлашган музей қайтадан барпо этилди. Тиб илмининг билимдони ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бу кўркам музейни «2-Бухоро жамоакурилиш» уюшмасининг Галаосиёдаги «47-механизациялашган кўчма жамланма» МЧЖ бунёдкорлари қисқа муддатларда қуриб битказишди.

● Жиззах транспорт ва алоқа коллежи қошидаги кутубхона негизида ахборот-ресурс маркази очилди. Эндиликда китоб фонди 40 минг томдан ортиқ адабиётни ташкил этувчи ушбу марказда аста-секин хизмат кўрсатишнинг электрон усулларига ўтилади.

ЖАҲОНДА

● БМТнинг парранда гриппи эпидемиясига қарши кураш бўйича махсус координатори Девид Набарро янги ҳаракат режасини тақдим этди. Ушбу режани ҳаётга татбиқ этиш учун 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағ талаб этилади.

● Буюк Британиянинг BRITISH AIRWAYS авиакомпаниясига қарашли иккита самолётнинг радиоактив жиҳатдан заҳарланганлиги аниқланди. Ушбу самолётлар Лондон-Москва-Лондон рейсларини амалга ошириб келган. Авиакомпаниянинг яна бир самолёти Москвада сақлаб турилибди. Унда ҳам радиация нурлари борлиги тахмин қилинмоқда. Самолётларнинг барчаси рейсдан чиқарилган.

● Иордания пойтахти Оммонда АҚШ Президенти Жорж Буш ва Ироқ Бош вазири Нури ал-Маликий ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ироқдаги мавжуд вазиятни барқарорлаштириш борасидаги масалалар муҳокама қилинди. Жорж Буш Маликийнинг Ироқни автоном ҳудудларга бўлиб ташлашга қарши чиқишини қўллаб-қувватлади.

● Украина Президенти Виктор Юшенко 1932-33 йиллардаги очарчиликни украин халқига нисбатан геноцид, деб номлаш тўғрисидаги қонунга имзо чекди. Мазкур қонун лойиҳаси бундан бир неча кун илгари парламентда муҳокама қилинган эди. Айтиш керакки, ўша йиллари Сталиннинг сиёсати ҳосиласи бўлмиш очарчилик даври Украинада 10 миллионга яқин кишининг ҳаётига зомин бўлган бўлса, Россияда олти миллион аҳоли очликдан ўлган.

● Мексика суди мамлакатнинг собиқ президенти Луис Эчеверрияни ҳибсга олиш учун ордер берди. Гап шундаки, Мексикани 1970-76 йилларда бошқарган Эчеверрия геноцидда айбланмоқда.

● Кеча Чеченистонга Грузиядан йўл олган 89 кишидан иборат қочқинлар гуруҳи етиб келди. Маҳаллий маъмурлар уларнинг жойлашишлари ва бошқа масалалар юзасидан барча қулайликларни яратишга ваъда беришди.

● Япониянинг бешта компанияси 2008 йилда уяли телефонларга махсус телевидение кўрсатувларини узатишни ташкил этиш мақсадида ўзаро бирлашмоқда.

● Европа комиссияси автомобиль баллонларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган сунъий каучукнинг алоҳида турларига келишиб олиб нарх қўйганликда айблаб бешта компанияни жаримага тортди. Энг катта жарималар Royal Dutch Sheii (160,9 миллион евро) ва Италиянинг Eni (272,3 миллион евро) компанияларига солинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 30 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЧИЛДИ.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар ва унинг юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар. Сўзга чиққанлар бу амнистиянинг қабул қилиниши инсонпарварлик намунаси эканлигини ва у суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан яна бир бор далолат беришини кўрсатиб ўтдилар.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети кўриб чиқилди. Уни муҳокама қилиш чоғида иқтисодий ислоҳотлар, бюджет-солиқ сиёсатининг устувор йўналишларини ҳисобга олиб тайёрланган Давлат бюджети ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларнинг янада ривожланишини таъминлаши таъкидлаб ўтилди. Унда хусусий сектор ва кичик бизнесни ривожлантиришга, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлашга, маҳсулотни экспорт қилишни рағбатлантиришга, инвестициялар, хомашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, шунингдек аҳоли моддий фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор берилган. Давлат бюджети янги иш жойлари яратишни, аҳолини мақсадли қўллаб-қувватлашни, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган бир қатор солиқлар бўйича ставкаларни пасайтиришни, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтириладиган давлат харажатларининг улушини кўпайтиришни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда "Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги қонунни ҳам кўриб чиқиб, маъқулладилар. Бунда Фуқаролик кодексига киритилаётган тузатишлар кўп квартирали уйдаги умумий мол-мулкнинг таркибини аниқлаштириши қайд этилди. Уй-жой кодексига киритилган ўзгартишлар эса уй-жой фондини бошқариш, сақлаш ва таъмирлаш, бу соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ қоидаларни қайтадан кўриб чиқади, шунингдек бу мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишнинг хусусиятларини белгилайди.

Янги таҳрирдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиш чоғида бу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида"ги қарорини ижро этиш юзасидан қабул қилинганлиги ҳамда оммавий ахборот воситаларини яратиш ва уларнинг фаолияти соҳасида вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштиришга, шунингдек мамлакатда жамият ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон аҳолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Унда муассисларнинг таҳририятга таъсири камайишини таъминлайдиган, шунингдек оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш, рўйхатдан ўтказиш, тарқатиш тартиб-таомилини такомиллаштирадиган ҳуқуқий нормалар баён этилган.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ божхона органларининг айрим ходимларига унвонлар бериш тартибини белгилайдиган "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонунни ҳам қабул қилдилар.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонуннинг муҳокамасида сўзга чиққанлар ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан мамлакатга кириш ва ундан чиқиб кетиш тартиби, шунингдек мамлакатимиз ҳудудида бўлиш қоидалари сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун кўриб чиқилди. Киритилаётган тузатишлар мавжуд амалиётни гаров тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштиришга қаратилганлиги қайд этилди. Ушбу Қонунга мувофиқ кўчмас мулк гарови тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш чоғида давлат божи эмас, балки тегишли ҳақ ундирилади. Шу муносабат билан давлат божини тўлашдан озод қилишга доир нормалар "Давлат божи тўғрисида"ги қонундан чиқариб ташланди. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Шунингдек, "Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам маъқулланди. Уни муҳокама қилиш чоғида Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Қонун амалдаги ўнта қонунга тегишли тузатишлар киритади ва бу тузатишлар молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтиришнинг ҳуқуқий базасини кенгайтиради.

"Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулкка тааллуқли қоидаларини "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонун нормаларига мувофиқлаштириш мақсадида қабул қилинганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун маъқулланди.

Ялпи мажлисда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди: Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси этиб илгари шу Қўмита раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган сенатор Маъруф Усмонов сайланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати саккизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати
Темур Қурбонбоев олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар жазодан озод қилинсин:

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

7. Мазкур Қарорга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга – учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга – тўртдан бир қисмига.

8. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Қарор – ўта хавфли рецидивистларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Қарорнинг 1–4, 6, 7-бандлари – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга.

9. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
И. СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 30 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН КЎПГИНА МАМЛАКАТЛАР УЧУН НАМУНА БЎЛА ОЛАДИ

«ДИНГА МУНОСАБАТ, ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК МАСАЛАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИНИ ДЕМОКРАТИК ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИГАН КЎПГИНА МАМЛАКАТЛАР УЧУН НАМУНА БЎЛА ОЛАДИ»

АҚШ Давлат департаменти томонидан эълон қилинган «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» деб аталмиш рўйхатга Ўзбекистоннинг киритилишини «**Француз эксперт-лари клуби» бош котиби Жак Оран** ана шундай сўзлар билан шарҳлади.

— Мен халқингизни, унинг урф-одатлари ҳамда бошқа миллат ва эътиқод кишиларига муносабатини яхши биламан, — деди у. — Давлат департаментининг қарори ҳеч қандай асосларга эга бўлмаган, қуруқ кўпикдан иборат сиёсий уйдирмадир.

Ўзимнинг сўнгги ташрифим чоғи Самарқанддаги католиклар черковига борганимда, ибодатхонага келувчилар ўзларининг маросимларини эмин-эркин ўтказишаётганини кўрдим. Бу эса Ўзбекистонда диний эътиқод масаласида бирон-бир муаммонинг мутлақо йўқ эканлигини тасдиқлайдиган исботдир.

Ўзбекистон Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Бурхониддин ал-Марғиноний, ал-Мотуридий сингари буюк ислом алломалари ва мутафаккирларининг Ватани ҳисобланишини таъкидлар экан, **Ар-Риёддаги Имом Муҳаммад ибн Сауд номидаги Ислом университетининг илмий тадқиқотлар департаменти бошлиғи Турки ибн ас-Сахув** Гарбдаги айрим давлатларнинг демократик инсон ҳуқуқлари ҳимояси, сўз ва эътиқод эркинлиги шиори остида амалга ошираётган хатти-ҳаракатлари нафақат суверен давлатларнинг ички ишларига аралашиш, балки бу цивилизациялар ва динлар ўртасидаги ишончсизлик ва ғанимлик кайфиятини кучайтиришга хизмат қиладиган хатти-ҳаракатдир.

(Давоми 3-бетда)

3 декабрь—Халқаро ногиронлар куни

МЕҲРИДАРЁ ИНСОНЛАР КЎПАЯВЕРСИН

БОБОКАЛОНИМИЗ ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР УЗУКЛАРИ МУҲРИГА ЎЙИБ ЁЗИЛГАН «ЭЗГУЛИК МИСОЛИ БИР ЁҒДУ. УЛ НУР ЗАБТ ЭТГАН ҚАЛБ ДОИМО ЯХШИЛИККА ИНТИЛАДИ» ДЕГАН ҲИКМАТЛИ ИБОРА ҲОЗИРГИ КУНДА МЕҲРГА ТАШНА ИНСОНЛАРГА МАЪНАВИЙ, МОДДИЙ КЎМАК БЕРАЁТГАН, УЛАРНИНГ ҲАЁТДА ЎЗ ЎРИНЛАРИНИ ТОПИШЛАРИГА КАТТА ҲИССА ҚЎШАЁТГАН МЕҲРИДАРЁ ИНСОНЛАРГА ҚАРАТА АЙТИЛГАН БЎЛСА АЖАБ ЭМАС.

Бугун биз ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз Юлдузхон Мирзакаримованинг ибратли ишлари, меҳрга ташна, мададга муҳтожларга кўрсатаётган ёрдамлари очиғи кўнгилларни шод этади.

Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг Собир Раҳимов туман бўлими раиси вазифасида ишлаб келаётган Юлдузхон Мирзакаримова билан мулоқотимиз туманда ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳамда бўлимнинг келгуси режаларига бағишланди.

— Собир Раҳимов туманида «Меҳрибонлик» жамиятининг 200 нафар аъзолари бор, — дея сўз бошлади суҳбатдошимиз. — Шундан кам таъминланган, ёрдамга муҳтож аъзоларимиз сони 80 нафарни, болалар эса 20 нафарни ташкил этади. Тан олиш керак, жамиятимиз аъзолари ижтимоий ҳимояга муҳтож. Шунинг учун ҳам имкон қадар улар ҳолидан хабар оламиз, моддий, маънавий ёрдам кўрсатамиз.

— Ҳомийлар ва шифокорлар йилида жамият томонидан амалга оширилган ишларга қисқача тўхталсангиз.

— Аввало, жорий йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб номланганлигининг ўзиёқ серқуёш диёримизда аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламига жиддий эътибордан далолат эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг Собир Раҳимов туман бўлими раҳбарияти саъй-ҳаракати билан жорий йилда Гулзайнаб Марчигина ҳамда опа-сингиллар Фотима, Зуҳра Иброҳимовалар хонадонларига телефон ўрнатиб берилди. «Усто» бирлашмаси раҳбари Абдураҳим Умаров ҳомийликларида айни кунларда Фотима ва Зуҳра Иброҳимоваларнинг уйи жорий таъмирдан чиқарилмоқда.

— Ногиронларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмак сифатида қандай амалий ишларни бажаряпсизлар?

—Ўринли савол. Спорт билан шуғулланиш имконига эга бўлган 10 нафар ёшлар Митрофанов номидаги сув спорти мажмуасида сузиш машғулотларига жалб этилди. Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Фан ва маданият маркази ҳомийлигида жамиятимиз аъзоларидан 10 нафари араб тилини ўрганиш курсида таҳсил олмоқда. Шу ўринда Рамазон ойида «Қувайт» халқаро хайрия жамғармаси ҳомийлигида жамиятимиз аъзоларидан эллиқ нафари Зангиота зиёратгоҳига сафар қилишганини таъкидлаб ўтмасам бўлмас. Дарвоқе, биз ҳар бир байрамни муносиб кутиб олишга, айнан байрам баҳонасида беморларнинг ҳолидан хабар олишга одатланганмиз. 1 октябрь—Ўқитувчилар ва мураббийлар куни меҳрга ташна бемор мураббийлар хонадонларига бордик, дори-дармон воситалари, эсдалик совғалари туҳфа этдик...

Суҳбатдошимиз сўзининг ниҳоясида бундан буён ҳам «Меҳрибонлик» жамияти ногиронларга имкони борича мададкор бўлишни, юқоридаги каби эзгу ишлар давом этаверишини таъкидлади. Қуёш мудом нурини сочаверади. Эзгулик ҳам худди шундай. Шу боис ҳам 3 декабрь—Халқаро ногиронлар куни муносиб кутиб олиш мақсадида туман миқёсида 1-3 декабрь кунлари жамият аъзолари учун хайрия акцияси ўтказиляпти. Айнан шу кунлари жамият аъзолари пойтахтдаги Аброр Ҳидоятов, Муқимий номидаги театрларга, Ўзбек Миллий академик драма театрига боришлари, саҳна асарларини, Навоий номидаги Санъат саройидаги фильмларни бепул томоша қилишлари мумкин.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.

СУРАТДА: жамият фаолиятидан лавҳа.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Тадбирлар

ҲАЛҚИМИЗ БАҒРИКЕНГЛИГИ УНУТИЛМАЙДИ

БУГУНГИ КУННИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ, УНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ УЧУН БУЮК ТАРИХИМИЗНИНГ ЗАРВАРАҚЛАРИДАН ХАБАРДОР БЎЛИШ, ЎҚИБ-ЎРГАНИШ ЛОЗИМ.

Ҳаммамизга маълумки, иккинчи жаҳон уруши миллионлаб кишилар ёстиғини қуритиб, унинг азобу армонлари ҳанузгача инсоният қалбини ларзага солиб, юракларда ўчмас жароҳат қолдириб кетган. Ўша вақтда Ўзбекистоннинг ҳам бир миллиондан ортиқ мард ўғил-қизлари нафақат уруш майдонлари, балки фронт ортида ғалаба учун тинимсиз меҳнат қилганлар, топган-тутганларини жанг майдонларидаги аскар ўғлонларга илинганлар. Шунингдек, жангу жадал бораётган ҳудудлардан эвакуация қилинган 250 мингдан ортиқ турли миллат фарзандлари бўлган ўғил-қизларни ўз ота-оналаридек бағриларини кенг очиб кутиб олганлар. Бир бурда нонларини ҳам улар билан бирга баҳам кўрганлар.

Куни кеча Марказий Офицерлар уйида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва «Хотира хиёбони» республика жамоатчилик жамғармаси ўзаро ҳамкорликда ўзбек халқи тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган, ўзбек ерида иккинчи уйини, ўз қондошларини топган 250 мингдан ортиқ турли миллат болаларининг юртимизга эвакуация қилинганлигининг 65 йиллигига бағишланган «Уруш йиллари хотирасини абадий сақлайлик» деб номланган хайрия тадбирини ўтказдилар.

Ўзбек халқининг инсоний фазилатлари, бағрикенглиги, уруш туфайли етим қолган болаларнинг бошини силаб, меҳр кўрсатганлиги, ўз фарзандидек оқ ювиб, оқ тараганлиги мисли кўрилмаган жасорат, бутун дунё ҳайратланган бир мўъжиза эди. Бутун тадбир давомида Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшиб келган нуроний отахону онахонлар, уруш ва меҳнат фахрийлари кўзда севинч ёшлари билан бу кунларга эсон-омон етиб келганларига, соғ-саломат яна дийдор насиб этганига шукроналар айтишди.

— У кунлар ҳеч қачон унутилмайди, — деди жумладан тадбирда сўз олган «Хотира хиёбони» жамоатчилик жамғармаси раиси, бастакор Станислав Мансуров. — Ота-она меҳридан жуда эрта жудо бўлган кўплаб етим болаларнинг бошини силаган, кўнглини ўкситмай меҳр бериб парвариш қилган оқибатли, сабр-қаноатли, меҳридарё Ўзбекистон халқининг жасоратидан бутун дунё ҳайратда қолган. Биз ҳамиша ўзбек аёли олдида чуқур таъзимдамиз. Ота-она ўрнида таълим-тарбия берган устозлар меҳнати туфайли кўплаб таниқли инсонлар етишиб чиқди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг оркестри иштирокида куй-қўшиқлар янгради, ҳужжатли фильмлар намойиш қилинди. Шунингдек, меҳмонларга «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва ҳомий ташкилотларнинг совға-саломлари топширилди.

(Ўз мухбиримиз).

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Тўртинчи юз йилликнинг бошида дини Муҳаммадийни ривожлантирган киши Изз-уддавла Дайламий[1] эди. Шу даврнинг халифаси аббосий Мутиъ амриллоҳ[2] [ҳукмронлиги вақтида бўлган] фиск-фужурлар ва унга тобеъ кишиларнинг зулми орқасида дини ислом дини заифлашган ва ислом мамлакатларида турли-туман фиск-фасод кўпайган эди. Иззуддавла бу халифани тахтдан йиқитиб, ўрнига ўғли Тоиъ Биллоҳни[3] валиахд қилди. Иззуддавла шахсан ўзи бу динни тарқатиш ва тозалашда, бидъатни йўқотишда, ношаръий ишларни бартараф этишда, жабр-зулмни тугатишда мутасадди бўлди. Муҳаммад динига ривож берди.

Бешинчи юз йиллик бошида дину шариатни ривожлантирган одам Султон Санжар ибн султон Маликшоҳ[4] эди. Шайх Аҳмад Жом[5] ва Ҳаким Саноий[6] унинг замондошлари бўлиб, султон уларнинг муриди эди. Бу даврда динсизлар ва жоҳиллар ислом динини заифлаштирган эди. Султон Санжар динсизларни йўқотиб, ислом динини ривожлантиришга киришди. Муҳаммад динига итоат ва тобеъликда шундай даражага эришдики, шариатга хилоф бўлган ҳеч бир иш қилмади.

Олтинчи юз йилликнинг бошида динга ривож бергувчи Ғозонхон ибн Арғунхон ибн Ҳалокухон[7] эди. Ислом дини туркистонлик кофирларнинг[8] истилоси натижасида заифлашган эди. Оллоҳи таоло дин ривожи учун Ғозонхонни юз минг аскари билан кўзғади. [Тангри таолонинг иродаси билан унга топширилган] юз минг аскар Лор саҳросида шайх Иброҳим Ҳамавий[9] раҳнамолигида Оллоҳга иймон келтириб, мусулмон бўлдилар. Тилларини: «Оллоҳдан бошқа худо йўқ, Муҳаммад Оллоҳнинг [ердаги] элчисидир», деган иймон калимасига очдилар ва куфр-бидъат ишларини ташладилар, Мамлакатда ва шаҳарларда шариатга ривож бердилар.

Еттинчи юз йилликнинг бошида келган Улжойту Султон[10] ибн Арғунхон, лақаби Султон Муҳаммад Худобанда эди. Мазкур санада[11] оғаси Ғозонхондан сўнг салтанат тахтига ўтирди. [Бир куни] унинг қулоғига «дини Муҳаммадий шу қадар бўшашганки, намоз вақтида мусулмонлар ташаҳҳуддан[12] сўнг Муҳаммадга, унинг авлодига салавот айтмай қўйибдилар, деган гап етказилди. У ўрнидан туриб Султония[13] жомеъ масжидига борди ва у ерга ислом уламоси ҳозир бўлишини буюрди. Сўнгра султон улардан: «Намоз вақтида Муҳаммадга ва унинг наслу авлодига салавот айтишнинг нима фазилатлари бор?», деб сўради. Улар бир овоздан: «Худойи таоло ҳукмига кўра, намозда Муҳаммад ва унинг авлодига салавот айтиш лозимдир», деб жавоб бердилар. Ўша пайт бир гуруҳ уламо: «Имом Шофиъий[14], Муҳаммадга ва унинг авлодига салавот айтмасдан ўқилган намоз бузилган ҳисобланади, деб айтганлар», деб ўз фикрини билдирди. Яна бир гуруҳи айтдиларким: «Имоми Аъзам[15] демишдирки, Муҳаммадга ва унинг авлодига салавот айтилмай ўқилган намоз макруҳдир[16]». Шунда султон уламодан сўради: «Нега салавот айтганда пайғамбаримизнинг наслу авлодидан бўлган ҳар бир кишининг исми [алоҳида] зикр этилмайди-ю, [фақат] хотам ул-анбиё бўлмиш пайғамбаримизга салавот айтгандагина «ва унинг авлоди...» деб қўшадилар?». Бутун уламо бу саволга жавоб беришга ожизлик қилиб, ўйланиб қолишди. Шунда султон айтди: «Бу саволга жавоб беришда хотиримга икки далил келади. Биринчиси шулки, душманлар пайғамбаримиз Муҳаммадни ўғилсиз (абтар) деб атадилар. Тангри таоло наслсизликни уларнинг ўзига раво кўрди. Дунёдан насллари узилди. Агар насл қолган бўлса ҳам ном-нишонсиз бўлиб, уларнинг номини бирор киши тилга олмайди. Аммо пайғамбаримиз оиласининг зурриётлари сони шу қадар ўсдики, уларнинг ҳисобини Оллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. [Шунинг учун] пайғамбаримизга, унга Оллоҳнинг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, салавот айтгандан кейин уларга ҳам [Оллоҳдан] яхшилик тилайдилар. Иккинчиси шулки, ўтган барча пайғамбарларнинг динлари, қилган ишлари ё йўқоларди ёки ўзгарарди. Улар динининг аҳкомлари доимий эмас эди. Аммо ҳазрати Муҳаммад, унга Оллоҳнинг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, дини ўзгаришдан омон бўлиб, қиёматгача шу йўлда сақланур. Шундай бўлгач, онҳазрат (пайғамбар)нинг умматлари салавот айтиш вақтида, унинг муборак номини зикр этган пайтда, унинг авлодини ҳам эслашлари лозимдир. Умматларга маълум бўлсинким, Муҳаммад динининг ҳомийлари, Қуръони каримни шарҳловчилар, мақтовга лойиқ шариат илмининг ҳофизлари, пайғамбарлик илмининг ворислари айнан шу кишилардир. Мусулмон динининг илмлари ва исломнинг фарзу вожибларини улардан ўргансинлар, уларга эргашсин, ҳурмат қилишни бурчларидан бири деб билсинлар», — деди.

Султон шу сўзларни айтгани ҳамоно, масжидга тўпланган уламо ва одамлар бирданига гулдиратиб, пайғамбарга ва унинг авлодига салавот ўқидилар. Шунда султон айтди: «Муҳаммад авлодидан биринчиси — ҳазрати Али, сўнггиси — имом Муҳаммад Маҳдий[17] охирзамондир. Шундай бўлгач, пайғамбаримиз авлодининг изни ва рухсатисиз унинг мулкини ўз тасарруфимизга киритмаслигимиз зарур, акс ҳолда босқинчилик қилган бўламиз».

(Давоми бор).

*1 **Изуддавла Дайламий** — Бувайҳийлар сулоласидан (932-1062)-чиққан ва Ироқда ҳукмронлик қилган подшоҳ (967-978)*

*2 **Мутиъ амриллоҳ** — Аббосий халифалари жумласидан (946-974)*

*3 **Тоиъ Биллоҳ** — Аббосий халифаларидан (974-991)*

*4 **Султон Санжар ибн султон Маликшоҳ** —1038-1194 йиллари Эрон билан Ироқни идора қилган салжуқийлар сулоласидан бўлган подшоҳ (1118-1157).*

*5 **Аҳмад Жом** (1049-1142) — хуросонлик машҳур ҳадис олими ва мутасаввиф шоир.*

*6 **Ҳаким Саноий** – ғазнавийлар сулоласи даврида яшаган йирик мутасаввуф шоир (1070-1140).*

*7 **Қозонхон ибн Аргунхон ибн ҳалокухон** –1256-1353-йилларда Эрон, Озарбойжон ва Ироқни идора қилган ва тарихда Элхонийлар номи билан машҳур бўлган мўғул сулоласи намояндаси. У 1295-1304 йиллари салтанат қурган; ислом динини қабул қилиб, қатор ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар ўтказган.*

*8 **«туркистонлик кофирлар...»** - бу ерда Моваройннаҳр, Эрон, Озарбойжон ва бошқа мамлакатларни истило қилган (XIII аср) Чингизхон қўшинлари назарда тутилади.*

*9 **Шайх Иброҳим Ҳамавий** –хуросонлик йирик шайх Садриддин Иброҳим назарда тутилмоқда.*

*10 **Улжойту Султон** (1304-1317) – Элхонийлардан. Мусулмон бўлгани учун Султон Муҳаммад Ҳудобанда номи билан танилган.*

11 1304 йилда.

*12 **Ташаҳҳуд (араб. гувоҳлик)** – Оллоҳнинг ягоналиги ва Муҳаммад пайғамбарнинг элчилигини билдирувчи диний ибора; ислом динидаги 5 асосий арконнинг биринчиси; кўпинча «калимаи шаҳодат» дейилади.*

*13 **Султония** – элхон Улжойтухон қурдирган шаҳар пойтахти. Харобалари Абҳар ва Занжон оралиғида жойлашган. (Эрон Озарбойжонида).*

*14 **Имом Шофиъий** –суннийликда шофиъийлик мазҳабининг асосчиси ва бош имоми; фақиҳ. Асли исми Абу Абдуллоҳ (767-820).*

*15 **Имоми Аъзам** (катта имом) –суннийликдаги тўрт мазҳабдан бири ҳисобланган ҳанафийлик мазҳабининг асосчиси ва бош имоми. Асл исми Абу ҳанифа Нуъмон ибн Собит (699-767).*

*16 **М а к р у х** (араб.— рад этилган, қораланган, номақбул) — шариат ҳукмларидан бири (фарз, мандуб, мубоҳ, ҳаром билан бирга). Қатъиян тақиқ қилинмаган, лекин номақбул ҳисобланган ва рад этилган амаллар макруҳ ҳисобланган, бундай хатти-ҳаракат учун жазо белгиланмаган.*

*17 **Муҳаммад Маҳдий** – шиаларнинг ўн иккинчи имоми. 874-878 йиллар орасида, 7-9 ёшлик пайтида йўқолган. Замон тақозосига кўра, ўлдирилган бўлиши эҳтимоли бор. Шиалар эътиқодига биноан, у бир кун ерга қайтиб келади ва жаҳон узра адолат ўрнатади.*

Бугун — Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш куни

КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ...

БУГУНГИ КУНГА КЕЛИБ, АФСУСКИ, ОИТС БАЛОСИГА ДУЧОР БЎЛМАГАН ДАВЛАТНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ.

Эпидемиянинг нақадар бешафқатлигига қарамай, бу бало ҳали энди ривожланиш босқичида эканлиги маълум бўлиб қолди.

1982 йилда биринчи маротаба илмий қўлланмаларда СПИД, яъни ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) иборраси пайдо бўлди. Касалликнинг қон орқали ўтиши аниқланди. 1983 йилда эса Францияда Пастер институти ходимлари ОИТС вирусини ажратиб олдилар.

Дунёнинг 33 мамлакати ўз фуқаролари ОИТС билан зарарланганлигини тан олди. 1988 йилда инсониятни бу касаллик хавфидан оммавий тарзда огоҳлантириш кампанияси бошланди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти 1 декабрь кунини ОИТСга қарши кураш куни деб эълон қилди.

2002 йилнинг биринчи ярмига келиб Россияда ОИТС билан оғриганлар сони 200 минг кишига етган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги барча ОИВ билан касалланганлар сони гиёвандлар сони билан параллел равишда ўсиб бормоқда.

Ҳозирги кунда тиббиёт соҳасидаги катта ютуқларга қарамай, СПИД, яъни ОИТСнинг давоси топилгани йўқ.

Ҳозирги кунда бутун жаҳон мамлакатларида ОИВ, ОИТС билан яшовчилар сони 45 миллионга етган. Шулардан 29,6 миллиони катта ёшдаги аҳоли, 5,4 миллиони эса 16 ёшгача бўлган ёш болалардир.

Тиббиётчиларнинг башоратига кўра, 2010 йилга келиб бу балонинг яна 45 минг одамни зарарлантириш хавфи бор. Бу албатта даҳшатли кўрсаткичлар, лекин ОИТСнинг олдини олишда шу касалга чалинганлар билан курашишга эмас, аксинча, унга чалинмаслик учун нималар қилишни билишга алоҳида аҳамият қаратиш керак.

ОИТС маркази маълумотлари асосида Ёқутхон СУЛАЙМОНОВА тайёрлади.

МУЛЗАМ БЎЛДИМ

Одатда бировни кутган ёмон. Айниқса қишли-қировли кунларда. Вақт белгиланган муддатдан ўтдими, бетоқат соатга қарайверасиз. Чидам ва тоқат билан кутасиз. Кўзингиз кутаётган одамингизга зор-интизор тевараккa олазарак термулади. Бир томондан совуқ оёғингиздан то бошингизгача ўтиб боряпти. Афсуски у келмайди. Энди-ги ҳолатингизни гапирмаса ҳам бўлади.

Агар шунақа воқеа транспортни кутиш билан боғлиқ бўлсачи? Очиғи, буниси унисидан баттар. Бироқ не ажабки, шунақа ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Гапни узоқдан бошлаганимизга ҳайрон бўлаётгандирсиз балки. Лекин дард тортган дори-дармон қадрини яхши билганидек, бошига тушган одам кўпроқ биларкан-да кутиш машаққатини.

Гапнинг индаллоси, ўтган чоршанба куни биз билан шундай ҳолат юз берди. Зарурият туфайли бир қадрдонимиз билан Шимолий вокзалда соат ўн икки яримда учрашадиган бўлдик. Юнусобод метро йўналишининг Ҳабиб Абдуллаев бекатидан то Шимолий вокзалгача йўловчи автобусда нари борса ярим соатлик йўл. Шундай бўлишига қарамай, биз транспорт кутишимизни инобатга олиб муддатидан илгарироқ, ўн дақиқаси кам ўн иккида бекатга етиб келдик. Қатор автобуслар бирин-кетин ўтиб турибди. Лекин биз кутган 60-автобусдан дарак йўқ. Вақт тобора қисқариб боряпти. Ҳамон 60 кўринмасди. Хуллас, ярим соат вақтимиз бекатда ўтди. Лекин автобус келмади. Ёнатрофда турган йўловчилардан сўраб-суриштирдик.

—Бу йўналиш бир вақтлар энг намунали жамоат транспорти ҳисобланарди. Кейинги вақтларда билмадик, ушбу йўналиш бўйича қатновчи автобуслар сони камайиб кетганми ёки бунинг бошқа бирор сабаби борми, ҳар қалай уни кўпинча уни узоқ кутишимизга тўғри келяпти, — дейишди бизга 60 ни кутаётганлар.

Бошқа кутишга тоқатимиз қолмади. Сабаби, учрашув муддатимизга саноқли дақиқалар қолаётганди. Аксига олиб шахсий машина тўхтатишга ортиқча сармоямиз йўқ эди. Масофани қисқартириш учун дуч келган автобусга ўтирдик. «Олой» бозорига келиб яна бошқа йўловчи транспортга чиқишимизга тўғри келди. Алқисса белгиланган жойга 20 дақиқа кечикиб келдик. Қарасак, кутадиган одамимиз йўқ. Газета-журналлар дўкончаси сотувчиси бизни имлаб олдига чақирди.

—Сиз мабодо Аҳмаджон акани изламаяпсизми?

— Ҳа-ҳа, ўша киши билан шу ерда учрашадиган эдик.

—У киши сизни кута-кута ҳозиргина жўнаб кетди. Ортиқча кута олмайман, поезддан кеч қоламан. ён тўхтаб турган турли маркадаги енгил машиналарга назар ташласангиз ҳаммасини билиб оласиз. Улар шу қадар тизилиб кетганки, гўё узоқ сафарга чиққан туя карвонини эслатади.

Агар бунисига ҳам қаноат қилмасангиз, шу кеча-кундузда шаҳримизнинг Навоий кўчасининг Санъат саройи билан Миллий театримизга қадар бўлган жойига келинг. Ана шу ерда ҳеч қаерда кўрмаган-кечирмаган машиналар карвонига дуч келасиз. Албатта бу ҳақда гап борганда бир янгиликдан сизни хабардор этиб қўйишимизга тўғри келади. Ушбу кўча Хадра томондан Ўрда бекати тўмон йўналиши қисмида бетартиб тўхтаб турувчи машиналардан ҳоли этилибди. Бу йўловчи транспортлар қатнови учун сезиларли даражада қулайлик туғдирибди. Олдинлари айниқса, шу томондан юрувчи транспортлар катта кўчанинг ярмигача банд этиб тўхтаб турган енгил машиналар карвонидан ўтиб олишга қийналарди. Ҳатто троллейбуслар маълум муддат юролмай қолишига ҳам тўғри келарди. Сабаби, улар пала-партиш икки, ҳатто уч қатор турган машиналар ёнидан қийналиб ўтарди. Машиналар тўқнашуви ҳолларини айтмай қўя қолайлик. Ҳайриятки, кимларнингдир буйруғи, аралашуви билан кўчанинг бу томонида тартиб ўрнатилибди. Аммо бир яхшининг бир ёмони бўлганидек шу кўчанинг нариги томонидаги ҳолат бизни яна ташвишга солди. Айниқса, Марказий телеграф билан Миллий театр оралиғида шундай тиғизликни кузатиш мумкин. Ипдек узун тизилган машиналардан қадам босишга жой йўқ десак, жуда ошириб юборибди деманг. Бу ўзимиз кўрган-билган ҳолат. Биз тушган автобус юқорида айтган оралиқ бир гап иккисини етаклаб келади. Шу боис машиналар карвонидан бошланган гапимизни гумманинг баҳоси билан тугатишимизга тўғри келди.

МАШИНАЛАР КАРВОНИ

Замонлар ўтиши билан баъзи сўзларнинг мантиқий мазмуни давр муҳитига мос тарзда ўзгариб тураркан. Албатта, карвон сўзи илгарилари бошқа маъно касб этган. Бугунги техника асрида бу сўз кўпроқ машиналарга, яна ҳам тўғрироғи, машиналар карвонига мос ва хос бўлиб бормоқда. Нега дейсизми? Бу саволнинг ечимини топиш учун кўчадан турнақатор ўтиб бораётган ёки йўл чеккаларида орасидан қил ўтгудек ёнмасофани яъни борингки, узоғи билан бир километрлик йўлни 20 дақиқада босиб ўтгани сўзимизнинг исботи. Сабаби, олдинда туриб қолган машиналар ҳаракатланишга имкон бермайди. Навоий кўчасидаги 30-рақамли бинонинг ўнг биқинида жойлашган машҳур гуммахона олдидаги аҳвол ундан-да ачинарли. Енгил машиналар жой йўқлигидан пиёдалар қатновчи йўлкаларни ҳам банд этишган. Ҳатто улар трамвай йўли устидан ҳам ҳаракатланиб туришибди. Энди айтинг, шундай бир вазиятда гумма тановул қилгани келган хўранда ёки йўловчи бечора нима қилсин, қаердан юрсин?

Шу ўринда яна бир гапни айтишга тўғри келади. Хўранда учун энг арзон, энг сифатли гуммалар шу ерда сотиларди. Шу боис бу жой ҳамиша гавжум бўларди. Бироқ маҳсулотнинг нархи жуда тез осмонга сакраб бораётганидан мижозлар ташвишланиб қолишган. Яқиндагина унинг нархи 100 сўм эди. Кейин бироз кўтарилди, 125 сўм бўлди. Кеча борсак битта гумманинг нархи 150 сўмга етибди. Баъзиларнинг айтишича, унинг қиймати сомсанинг нархига тенглашиб қолибди. Ҳажми ҳам бошқаларни билмадигу, бизнинг назаримизда бироз кичрайгандек кўринди. Ана шунақада, ҳамиша

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ИЛМ — ҲАЗИНА

Илм — адоғи йўқ хазина. Унинг калитини қанчалик кўп бурасанг, шунча кўп дуру гавҳарга дуч келасан. Чуқур илмга эга бўлган кишининг дўстлари ўртасида қадр-қиммати баланд бўлади. Шунинг учун ҳам донолар илмсиз инсонни мевасиз дарахтга ўхшатишади.

Бир донишманд ўғлига шундай насиҳат қилади:

— Ўғлим, илм олишга ҳаракат қил. Илмсиз ва ҳунарсиз киши ўз диёрида ҳам, ўз қариндошлари олдида ҳам хор ва беэътибор бўлади. Илмли ва ҳунарли кишилар қайда бўлмасинлар, қайга бормасинлар иззат ва ҳурматда бўладилар. Авлод ва аждодингнинг ҳунари ва илмига мағрурланиб лоф урма, наслу насабингни пеш қилиб, яшашга интилма.

Бузургмеҳрдан сўрадилар:

— Дунёда инсон учун топилмайдиган нарса нима?

У деди:

— Ақл ва илм.

Яна сўрадилар:

— Илмнинг қадри нима?

У деди:

— Инсонда ақл ва илм бўлмаса уни ҳеч ким қадрламайди.

Илмдан бир шуъла дилга тушган он,
Шунда билурсанки илм бепоён.

Ўйлаймизки, бу сўзларни шарҳлашга ҳожат йўқ.

Санъат

РАЖ КАПУР ФАРЗАНДЛАРИ — ТОШКЕНТДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ҲИНД КИНО САНЪАТИГА ҚИЗИҚМАЙДИГАН, ЖОЗИБАЛИ ВА ЁҚИМЛИ КУЙ-ҚЎШИҚЛАРИНИ СЕВИБ ТИНГЛАМАЙДИГАН КИШИ БЎЛМАСА КЕРАК. ДАРҲАҚИҚАТ, КЎП ЙИЛЛАРДАН БУЁН ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНИБ, ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА.

Ҳинд фильмлари ҳақида гап кетганда албатта, Ҳиндистоннинг машҳур режиссёри ва актёри Раж Капурни эсламаслик мумкин эмас. У режиссёр сифатида яратган «Жаноб 420», «Менинг исмим масхарабоз», «Дайди», «Сангам» фильмларида зўр маҳорат билан ижро этган роллари ҳалиҳануз ҳамюртларимиз ёдидан ўчмаган. Раж Капурнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига меҳр-муҳаббати бўлакча эди. Севимли актёр хотирасини ёд этиш истагида бўлган мухлислари билан дийдор кўришиш мақсадида куни кеча Раж Капурнинг ўғиллари Рандхир ва Риши Капурлар ҳамда ҳинд кино санъатининг бошқа намояндалари мамлакатимизга ташриф буюришди. Ушбу маданий тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Айтиш жоизки, шу тариқа Раж Капур сиймосини хотирлаб Марказий Осиё минтақасида илк маротаба концерт дастурларини ўтказиш ташкиллаштирилди. Концерт дастурлари республикамизнинг Наманган, Самарқанд вилоятларида ва Тошкентда бўлиб ўтади.

Кеча «Гранд плаза» меҳмонхонасида бўлғуси тадбир олдидан таниқли кинорежиссёрлар Рандхир ва Риши Капур ҳамда ҳинд кино санъати вакилларининг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан қизиқарли учрашуви бўлиб ўтди. Меҳмонлар матбуот ходимларининг ҳинд кино санъати, Раж Капурлар сулоласининг бугунги фаолияти ҳақидаги саволларига батафсил жавоб бердилар ва бундан кейин ҳам ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга истак билдирдилар.

Дилором ИКРОМОВА

ЎЗБЕКИСТОН КЎПГИНА МАМЛАКАТЛАР УЧУН НАМУНА БЎЛА ОЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Яқинда Ўзбекистонда бўлганимда, мамлакатда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда рўй бераётган кенг кўламли ислоҳотлар билан танишишга муяссар бўлган эди. Биз уларнинг диний маросимларни ўтказишда қийинчиликларга дуч келаётганликлари тўғрисидаги шикоятларини сира ҳам эшитмаганмиз.

Мен дунё мамлакатларини бошқа миллат вакилларига нисбатан бағрикенглик, ҳурмат ва масъулият билан муносабатда бўлиш борасида Ўзбекистон ҳукуматидан ўрнак олишга чақираман».

«Давлат департаменти томонидан эълон қилинган мазкур рўйхатга Ўзбекистоннинг киритилгани тўғрисидаги хабар мени бениҳоя ранжитиши баробарида ҳайратга ҳам солди, — деб ёзади **Греция сайёҳлик фирмасининг директори Ф.Пименинг** ўз мактубида. — Ўзбекистонда туғилган ва узоқ йиллар яшаган киши сифатида менга ўзбекларнинг бағрикенглик руҳи, диний сабр-тоқатлилиги ва байналмиллалиги яхши таниш. Мен Ўзбекистонда яшадим, ўқидим, узоқ йиллар мобайнида мусулмонлар билан, насронийлик, яҳудийлик, буддавийлик ва бошқа динларга эътиқод қилувчи одамлар билан ҳеч қандай муаммоларсиз, ёнма-ён, елкама-елка яшладим.

Бор-йўғи бир неча кун бурун Ўзбекистондан қайтиб келдим. Мен у ерда кўплаб янги масжидлар қурилганини, черковлар ва бошқа ибодатхоналар фаолият кўрсатаётганини кўрдим. У жойларда одамлар эмин-эркин, ҳеч қандай чеклашларсиз, хотиржамлик билан ўзларининг диний маросимларини ўтказишаётганига гувоҳ бўлдим. Ўзим ва менинг касбдошларим кўп миллатли Ўзбекистонда тинчлик-хотиржамлик, фаравонлик ҳукм сураётганини ўз кўзлари билан кўришди. Шубҳа йўққи, кўп жиҳатдан республика раҳбариятининг диний экстремизм ва динлараро низоларга қатъиян қарши турадиган, оқилона ва ҳар томонлама вазмин сиёсати туфайли бундай натижага эришилди. АҚШ Давлат департаментининг Ўзбекистондаги ишлар ҳолатига берган баҳоси, юмшоқ қилиб айтганда, нотўғри ва холисликдан йироқдир».

Дин ва сиёсат институти (Россия) илмий ходими Зураб Тодуанинг фикр билдиришича, АҚШ юқорида келтирилган рўйхатга Ўзбекистонни киритиб, Тошкентнинг ташқи ва ички сиёсатида ўзгариш бўлишига эришиш мақсадида республика раҳбариятига босим ўтказишни хоҳлаган.

— АҚШ ташқи сиёсат маҳкамасининг бу қадамида «Ҳизб-ут-Таҳрир», «Акромия» сингари экстремистик ташкилотларга нисбатан Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг муносабатини ўзгартириш истаги мавжуд эканини яққол кўриш мумкинки, бундай ташкилотларни АҚШ ва Буюк Британияда тинчликпарвар ва безарар муассасалар, деб ҳисоблашади. Ҳолбуки, бу ташкилотларнинг террористик хуружлар, қўзғолон ва тўнтаришлар ўтказишда, жумладан, 2005 йилги Андижон воқеаларидаги ўрни ва иштироки Марказий Осиё масалалари билан шуғулланадиган мутахассисларга жуда яхши маълум, — деди россиялик олим.

«Ўзбекистон дунёвий давлат бўлгани ҳолда дин соҳасида пухта ва оқилона сиёсатни юритмоқда, — деди **Австриядаги Шарқ жамияти бош директори З.Хаас.** — Динлараро ва конфессияларо муносабатлар кескинлашуви муҳитида АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистоннинг «диний эркинликларни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» рўйхатига киритилгани динлар ўртасидаги мулоқотга йўл очмайди».

Шиллер номидаги институтнинг етакчи мутахассиси Франк Хааннинг фикр билдиришича, АҚШ ўзининг мазкур рўйхатига Ўзбекистонни киритиши асносида Марказий Осиёдаги бу етакчи давлатни обрўсизлантиришни истаган.

Бунинг учун улар ўзларида мавжуд бўлган босим ўтказиш воситаларининг барча имкониятларидан фойдаланишади. Кўзланган асосий мақсад эса ўз тараққиёт йўлидан ишонч билан бораётган давлат — Ўзбекистон тўғрисида халқаро ҳамжамиятда салбий фикр уйғотишдир.

«Жаҳон» АА.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Ўрта махсус ва олий юридик маълумотига эга бўлган фуқароларни суд ижрочиси лавозимига заҳирага танлов асосида

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Танловда иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар ўқув юртини битирганлиги ҳақида диплом нусхаси ва паспорт билан келишлари шарт.

Қабул қилиш кунлари ҳар ҳафтанинг жума кунлари соат 10-00 дан 16-00 га қадар давом этади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават, 209-хона (мўлжал «Динамо» спорт дўкони қаршисида)

Тел: 142-54-94, 142-80-12

АБИТУРИЕНТ — 2007

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ВА ТЕХНИКА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА

КИРИШ имтиҳонларига ТЕСТГА мукаммал технология асосида тайёрланишни хоҳлаган ёшларни (жумладан 10-11- синф ўқувчиларини ҳам)

МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА, ИНГЛИЗ тили ҳамда **ЎЗБЕК** ва **РУС** тилларидан тайёрлайди. Дарсларни университетнинг юқори малакали ўқитувчилари олиб боради

